

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси М.Улуғбеков, М.Мадумаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Расулова, судланувчи О.Махмудхўжаев ва унинг ҳимоячиси адвокат В.Кабилонлар иштирокида, судланувчи Махмудхўжаев Отабек Улуғбек ўғлига оид 1-1503-2202/498-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Махмудхўжаев Отабек Улуғбек ўғли (Махмудхо'jayev Otabek Ulug'bek o'g'li) 1999 йил 18 октябрда Қўқон шаҳрида туғилган, Ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, ишламайди, уйланмаган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар Мисгарлик кўчаси 108-уйда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2022 йил 26 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларни текшириб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

2022 йилнинг 19 январь куни Қўқон шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Махмудхўжаев Отабек Улуғбек ўғлини Қўқон шаҳар Тухлимерган кўчасида тўхтатилиб, уни ёни кўздан кечирилганида эгнидаги куртқасининг чап чўнтагида келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,37 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб, ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинди.

Суд кимёвий экспертизасининг 2021 йил 19 январь кунидаги 06-сонли хулосасига кўра, фуқаро О.Махмуджўжаевдан олинган бир дона қўнғир рангли, нам ҳолдаги, ўткир ҳидли, гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол гиёҳванд моддаси мавжудлиги, ушбу модда гашиш деб аталадиган гиёҳванд воситалар туркумига кириши, гашишнинг соф оғирлиги 0,37 граммни ташкил қилиши кўрсатилган.



Қўқон шаҳарлараро наркология диспансерининг 2022 йил 7 апрелдаги 124-сонли далолатномасига кўра, фуқаро О.Махмудхўжаевда “Гашишмания” гиёҳвандликнинг 1 босқич касаллиги аниқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига мухтожлиги кўрсатилган.

Судланувчи О.Махмудхўжаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2021 йил сентябрь ойларида далаларда юрган вақтида яъни Қўқон шаҳар Муқимий шаҳарчасидаги далаларда қаровсиз ерларда ёвойи тарзда ўсиб турган наша гиёҳвандлик моддаларни кўриб қолганини, ўзи қизиққани учун ҳам юлиб олиб яшаш хонадонига олиб келганини, у ёввойи тарзда ўсиб турган наша гиёҳвандлик моддаларни уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб нашаларни қўли билан эзиб, истеъмолга ёроқли қилиб қўйганини, у тахминан 2022 йил 19 январь куни соат тахминан 16:00да уйга кетаётганини, кайфияти йўқ бўлганлиги учун ҳам ёнида сақлаб келаётган наша гиёҳвандлик моддасини ўзи билан олиб чўнтагига солиб олганини, у Қўқон шаҳар, Тўхлимерган кўчаси бошида етиб келган вақтида у ИИБ ходимларини кўриб қўрқиб кетганини, ИИБ ходимлари билан бирга фуқаролик кийимида бўлган ходимлар келиб, Қўқон шаҳарда тезкор тадбирлар ўтказилаётганлигини, ёнида қонун билан тақиқланган нарсалар ва гиёҳвандлик моддалари бўлса, уларни ўз ихтиёри билан топшириши кераклигини тушунтиришганини, у ИИБ ходимларига эғнидаги кўртканининг олди чап чўнтагида ўзининг истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик ўсимлиги сақлаб келаётганлигини маълум қилиб, ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига топширганини, ИИБ ходимлари ушбу гиёҳвандлик ўсимлигини 2 нафар холислар иштирокида, ашёвий далил тариқасида олишганини, қилган ишидан пушаймонда эканини, оилавий шароитини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд судланувчи О.Махмудхўжаев айбига тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув берган бўлсада, уни мазкур жиноятини содир қилганликдаги айби қуйидаги далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Гувоҳ Р.Абдурахмонов суд мажлисида, Қўқон шаҳар ИИБда тезкор вакил вазифасида ишлаб келишини, ИИБ бошлиғи номига О.Махмудхўжаевни ноқонуний ҳаракатлари юзасидан келиб тушган ариза бўйича 2022 йил 19 январь куни Қўқон шаҳар Тўхлимерган кўчасида турган “Матиз” автомашинаси тўхтатилиб, О.Махмудхўжаевга уни устидан ариза мавжудлигини айтиб, автомашина ва унда бўлган фуқаролардан жиноятга алоқадор нарса ва буюмлар бўлса ўз ихтиёри билан топшириш кераклигини айтганини, автомашина олд ўриндиғида ўтирган О.Махмудхўжаев ўзини кўрткасининг ўнг чўнтагида бўлган ўткир хидли қўнғир рангли гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани ўз ихтиёри билан топширгани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ А.Баходировни суд мажлисида, 2022 йилнинг 19 январь куни соат тахминан 16:00 ларда кўчада ўз юмушлари билан айланиб юрган вақтида ИИБ ходимлари унинг ёнига келиб, Қўқон шаҳар ИИБ га келиб тушган ариза бўйича тезкор тадбир бўлаётгани, тадбирда холис сифатида иштирок этишини сўрашганини, у бунга рози бўлганини, тадбир иштирокчилари билан бирга О.Махмудхўжаев йўловчи сифатида ҳаркатланиб кетаётган “Матиз” русумли давлат белгиси 40 S 611 WA автомашинасини тўхтатишганини, ИИБ ходимлари



ўзларини таништиришиб, унга нисбатан тезкор тадбир бўлаётганини, ёнида жиноятга алоқадор нарса ва моддалар бўлса ихтиёрий топширишини таклиф этишгани, О.Махмудхўжаев ИИБ ходимларига ёнида эгнидаги куртқасининг чўнтагидаги ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келган гиёҳвандлик моддаси борлигини, гиёҳвандлик моддаларини сақлаётган жойидан қуритилган ҳолатдаги наша гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўткир ҳидли моддасини ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига топширгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Дадажоновни ҳам суд мажлисида текширилган дастлабки терговдаги кўрсатувида, 2022 йилнинг 19 январь куни соат тахминан 16:00 ларда кўчада ўз юмушлари билан айланиб юрган вақтида ИИБ ходимлари унинг ёнига келиб, Қўқон шаҳар ИИБ га келиб тушган ариза бўйича тезкор тадбир бўлаётгани, тадбирда холис сифатида иштирок этишини сўрашганини, у бунга рози бўлганини, тадбир иштирокчилари билан бирга О.Махмудхўжаев йўловчи сифатида ҳаркатланиб кетаётган “Матиз” русумли давлат белгиси 40 S 611 WA автомашинасини тўхтатишганини, ИИБ ходимлари ўзларини таништиришиб, унга нисбатан тезкор тадбир бўлаётганини, ёнида жиноятга алоқадор нарса ва моддалар бўлса ихтиёрий топширишини таклиф этишгани, О.Махмудхўжаев ИИБ ходимларига ёнида эгнидаги куртқасининг чўнтагидаги ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келган гиёҳвандлик моддаси борлигини, гиёҳвандлик моддаларини сақлаётган жойидан қуритилган ҳолатдаги наша гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўткир ҳидли моддасини ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига топширгани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ С.Ахуновни ҳам суд мажлисида текширилган дастлабки терговдаги кўрсатувида, у О.Махмудхўжаевни олдиндан танишлигини, 2022 йилнинг 19 январь куни соат тахминан 15:40 ларда кўчада Отабек ака билан кўришиб қолганини, Отабек ака унга бирга таниши олдига бориб келишни айтганини, у рози бўлганини, Отабек ака уйига бориб ўзига керакли нарса олишни айтиб, такси автомашинасида уйига борганини, Қўқон шаҳар, Тухлимерган кўчасига етиб келганида Отабек ака ҳайдовчига тўхташини айтиб, автомашина тўхтаганидан сўнг, автомашинадан тушганида унинг ёнига 2-3 нафар ИИБ ходимлари келганини, ўзларини таништиришиб, уни ёнини кўздан кечиришларини айтишганини, Отабек ака уларга руҳсат берганини, ёнида жиноятга алоқадор нарса ва моддалар бўлса ихтиёрий топширишини таклиф этишгани, О.Махмудхўжаев ИИБ ходимларига ёнида эгнидаги куртқасининг чўнтагидаги ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келган гиёҳвандлик моддаси борлигини, гиёҳвандлик моддаларини сақлаётган жойидан қуритилган ҳолатдаги наша гиёҳвандлик моддасига ўхшаш ўткир ҳидли моддасини ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига топширгани ҳақида кўрсатув берган.

Гарчи судланувчи О.Махмудхўжаев суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув берган бўлсада унинг айби гувоҳларни дастлабки терговдаги кўрсатувлари, далилий ашёни тортиб олиш ҳақидаги баённомалари, суд кимёвий экспертизасининг 2022 йил 19 январдаги 06-сонли хулосаси ва фотоилова, ашёвий далилларни сақлаш учун топшириш жараёнида кўздан кечириш далолатномаси, суд наркологик экспертизасининг 2022 йил 7 апрелдаги 124-сонли далолатномаси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш деганда, уларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шарт ва тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тушунилиши;

Қарорнинг 6-бандида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгаллик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасдан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги ҳақида раҳбарий тушунчалар берилган.

Суд тергов органи томонидан судланувчи О.Махмудхўжаевнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган.

Чунки у 2022 йил 19 январь куни озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,37 грамм “ташиш” гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Суд, судланувчи О.Махмудхўжаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, оилада ягона боқувчилигини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ашёвий далилни ўз ихтиёри билан топширганини, соғлигини эътиборга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни лозим топди.

Судланувчи О.Махмудхўжаев жазони ўташ муддати давомида ЖКнинг 96-моддасига асосан “Ташишемания” гиёҳвандликнинг 1 босқич касаллигидан тиббий йўсинда мажбурий равишда даволантиришни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган тадқиқот



учун сарфланганидан қолган жами 0,24 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Махмудхўжаев Отабек Улуғбек ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

О.Махмудхўжаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида 6.750.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи О.Махмудхўжаев жазони ўташ муддати давомида ЖКнинг 96-моддасига асосан “Гашишемания” гиёҳвандликнинг 1-босқич касаллигидан тиббий йўсинда мажбурий равишда даволантирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган тадқиқот учун сарфланганидан қолган жами 0,24 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

О.Махмудхўжаевга нисбатан қўлланган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, шикоят ёки протест келтириши мумкин.

**Жиноят ишлари бўйича**

**Қўқон шаҳар судининг судьяси**

**М.Улуғбеков**



Ҳужжат имзоланган: Улугбеков Машрабжон Рузибувиевич, 02.06.2022

